

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

МУСТАҚИЛ ИШ

**Мавзу: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органларнинг табиатни муҳофаза
қилиш соҳасидаги фаолияти**

Бажарди: А.Раджапов

Текширди: Д.Махкамов

ТОШКЕНТ 2011

РЕЖА

1. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик сиёсатни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иштироки ва аҳамияти.....

2. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ва ваколатлари.....

3. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....

1-§. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик сиёсатни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иштироки ва аҳамияти

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар бўйича хилма-хиллиги – миллий бойлигимизнинг ажралмас қисми. Бу бойлик бир неча юз миллион йиллик тадрижий ривожланиш давомида юзага келган ҳамда аجدодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зиммамизда бу меросни авлодларга хилма-хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди¹.

Бу вазифани амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни алоҳида бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти экология соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш фаолияти билан бевосита ва чамбарчас боғлиқ.

Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарувига давлат органларининг атроф табиий муҳит ва табиий ресурслар ҳолатини ҳисобга олиш, уларни ўрганиш борасидаги фаолияти, табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш, уларни тиклаш, уларга таъсир этадиган зарарларнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш ва башқалар киради.

Экология соҳасидаги давлат бошқаруви деганда-ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тушунилади. Шу боис, экология соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли давлат органларининг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитни сақлашни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. II жилд. – Тошкент, 2006. – Б. 6.

ташкил этишга йўналтирилган фаолияти эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Республикамизда экология соҳасидаги давлат бошқарувини ҳар хил ваколатларга эга бўлган ва турли даражаларда фаолият юритувчи давлат органлари амалга оширадилар. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун масъул давлат бошқарув органларининг тизими одатда умумий ва махсус ваколатли давлат органларига бўлинади.

Экология соҳасида давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари бўзилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдорни жиноий, маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки у ишлайдиган ташкилотнинг олдига қўйилади, агар экологик назорат органлари маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлсалар, ушбу масалани ҳал қиладилар, табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркиликларини таъминлашга қаратилган чора тадбирларни амалга оширадилар.

Республикамизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминловчи умумий ваколатли органларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киритилади. Улар, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда давлат бошқарувини амалга ошириш билан бир вақтда, экологияга оид айрим масалаларни ҳам ҳал қиладилар. Шу боис улар умумий ваколатли органлар деб аталади.

Махсус ваколатли органларнинг фаолияти асосан экологик муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлгани боис махсус ваколатли органлар деб номланадилар. Махсус ваколатли органлар ваколатининг ҳажмига кўра комплекс, тармоқ ва функционал ваколатли органларга бўлинади.

Комплекс ваколатли органларга Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария назорати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ("Ўзгидромет" маркази), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси киради.

Тармоқ ваколатли органлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ушбу вазирлик ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (Ергеодезкадастр) давлат қўмитасини ўз ичига олади.

Функционал ваколатли органларга эса Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат ветеринария назорати, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва бошқалар киради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг экологик вазифаси деб ушбу органлар олдида турган ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳамда уни бажариш назарда тутилган фаолиятга айтилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик функцияси деб эса улар олдида турган ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга, экологик қонунчилик талабларини амалга оширишга қаратилган ҳамда доимий такрорланиб турадиган экологик вазифалари йиғиндисига айтилади.

Экологик қонунлар ижросини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экология соҳасидаги давлат бошқарув органларининг таркибий қисми сифатидаги экологик-ҳуқуқий фаолиятининг тўрт шакли – муҳофаза-ҳамкорлик, муҳофаза-назорат, муҳофаза-шартномавий ва

регулятив (норматив тартибга солиш) кўринишларини ажратиш лозим.

Шундай қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг атроф табиий муҳитни, табиий объект ва ресурсларни ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини ҳуқуққа хилоф тажовузлар ва хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш фаолияти давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш воситаларидан биридир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашдиги ўрни ва роли, улар амалга ошираётган чора тадбирлар жуда муҳимдир.

2-§. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ва ваколатлари

Экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилик ҳужжатларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг (ички ишлар, прокуратура, суд, милий хавфсизлик хизмати) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида (қонунларда, Низомларда, бўйруқларда, йўриқномаларда ва кўрсатмаларда) белгилаб берилгандир.

Юқоридаги органлардан ташқари, фаолияти табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва табиатни муҳофаза қилувчи давлат бошқарув органлари бўлиб ҳисобланадилар. Ушбу махсус ваколатли давлат бошқарув органларининг ваколатлари экологик қонунчиликда ва уларнинг ўзлари тўғрисидаги низомларида мустаҳкамланган.

Экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги давлат вазифаларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳокимияти алоҳида ўрин

тутадилар. Суд ҳокимияти табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат вазифасини бажаришда алоҳида мавқега эга. Судлар Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонунларига асосланиб амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда инсоннинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда судлар марказий ўринни эгаллайди. Хусусан, Г.Юлдашева таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий механизмида суд органлари устивор рол уйнайди. Мустақил суд ҳокимияти – бу иқтисодий тизими ўзгараётган мамлакатлардаги ҳуқуқий ислохотлар, ҳуқуқни самарали қўллаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий ғоясидир”².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳимоя қилиниши механизмининг элементларидан бири Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар учтидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги идоралари асосан атмосфера ҳавосини ҳолатини норматив ва стандартлар даражасида бўлишини ва автомобилларнинг техник таъминотини назорат қилиш орқали экологик функцияларни бажарадилар, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашда кўмаклашади ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини оладилар.

² Юлдашева Г. Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизими томонидан қўлланилиши. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 10.

Экологик муаммолар солаётган хавф ва унинг оқибатлари, яъни у билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўсиб бориши айтилган пайтда уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан комплекс, махсус профилактик чоратадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бундай чоратадбирлар аксарият ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим”³.

Шундай экан, экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш экологик хавфсизликни таъминлаш, унинг асосий йўналишларини амалга оширишда ички ишлар органларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Ички ишлар органлари, табиатни муҳофаза қилувчи махсус инспекциялар каби, у ёки бу табиий объект ёки комплексларни муҳофаза қилиш учун уларни қўриқлаш жараёнида ҳам бевосита қатнашадилар. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти бир томондан, улар ваколатининг фақат бир қисмини ташкил этса, бошқа томондан, табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришга тўлиқ ихтисослаштирилади.

Ички ишлар органлари экологик фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор экологик қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, «Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низом ва уларнинг ҳуқуқий

³ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., 1999. Б-48

мақомини белгилайдиган бошқа норматив ҳужжатлар ташкил этади. Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган 270-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низомга⁴ мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария назорати органлари билан ҳамкорликда кўчалар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳудудини, шунингдек шаҳарлар, шаҳар ташқарисидаги дам олиш ва чўмилиш жойларида санитария қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб борадилар; эпидемия ва эпизоотияларга қарши курашда, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов ва балиқчилик қоидаларининг бузилишига қарши курашда, карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам берадилар.

Ички ишлар органлари амалга оширадиган экологик назорат (контроль) табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари амалга оширадиган назоратдан (контролдан) тубдан фарқ қилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси учун экологик назорат асосий функциядир, ички ишлар органлари учун эса бошқа функциялар устунлик қилади. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг экологик назорат соҳасидаги имкониятлари анча чекланган. Биринчидан, ички ишлар органлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назоратни фақат таъминлаб берадилар, яъни уни амалда бажарса бўладиган, имкони бор фаолиятга айлантирадилар, уни бажариш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлайдилар. Бу эса назоратни ички ишлар органларининг ўзлари ўтказишини англатади. Улар табиатни муҳофаза қилиш органлари назорат функцияларининг нормал бажарилишини кафолатлайдиган чораларни кўрадилар. Иккинчидан, шундай ҳамкорлик ҳам ахён-ахёнда амалга оширилади. Учинчидан, ички ишлар органлари экологик назоратни амалга оширадиган табиат объектларининг доираси тор бўлади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1991. – № 10. – 36-м.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишда ички ишлар вазирлигининг ДЙХХХ (Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати) муҳим ўрин тутиб, ушбу орган экологик фаолиятни учта йўналишда олиб боради. Биринчи йўналиш – атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган нормативларига риоя қилинишини назорат қилиш. ДЙХХХ ходимлари ўз ишларини кўчалар ва йўлларда, автотранспорт воситаларининг автожамламалардан ва тўхташ жойларидан чиқишида, ДЙХХХнинг назорат-техника пунктларида амалга оширадилар.

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш тадбирлари ДЙХХХ органларининг хизмат вазифаларига киради. Улар бу ишларни амалга оширган кунлари, вақти, жойи ва амалга оширган ходимнинг исми шарифини махсус китобларга қайд қилиб қўйишлари лозим.

ДЙХХХ органлари экологик фаолиятининг иккинчи йўналиши автотранспорт воситалари учун белгилаб қўйилган шовқин чиқариш даражасига риоя қилиниши юзасидан олиб бориладиган назоратдир.

, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар киради, ички ички ишлар органлари эса ўз назоратларини жисмоний шахсларга, масалан, браконьерлик билан шуғулланадиган оддий фуқароларга нисбатан амалга оширадилар. Иккинчидан, прокуратура органлари ИИВ органларининг назоратига хос бўлган постлар қўйиш, патруллик қилиш, рейдлар ўтказиш каби ташкилий шаклларни камдан-кам ишлатадилар. Ўзлари эса, албатта, экологик ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган жойларда текшириш органлари билан биргаликка қўшма текширувларда иштирок этадилар. Учинчидан, прокуратура ҳамда ички ишлар органлари томонидан экологик назорат пайтида ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий воситалар ҳам турличадир.

Ички ишлар органларининг атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назорати бир қанча йўналишларда амалга оширилади:

1) ёввойи ҳайвонлари муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;

2) сув ҳайвонларини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат;

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда прокуратура органлари муҳим ўрин тутиб, табиатни муҳофаза қилишда айниқса прокуратура органларининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг (янги таҳрири) 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари - қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш кўзда тутилган бўлса, ушбу қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш алоҳида қайд этиб ўтилган.

Прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг муҳим тармоғи сифатида барча қонунларнинг ижроси устидан, шу жумладан экологик қонунчилик соҳасида ҳам доимий назорат олиб боришни, муайян турдаги экологик жиноятларни тергов қилиши, қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятларни мувофиқлаштириб бориши, судларда ишларни қўриш чоғида иштирок этиши, шунингдек, қонунларни такомиллаштириш ва тарғиб қилишда фаол қатнашиши шарт.

Прокуратура зиммасига инсон ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш устидан назорат юритиш вазифалари юклангани шунчаки тасодиф

эмас, зеро инсон ҳуқуқларини чинаккам таъминлашга фақат жамият ва давлат манфаатлари оғишмай амалга оширилган ҳолдагина эришиш мумкин.

Экологик қонунчилик нормаларини бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган такдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради. Фуқаронинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг экологик вазифаси деганда - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликка оид қонун устуворлигини таъминлаш, экологик қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган экологик манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишни тушунишимиз мумкин.

Прокуратуранинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти деганда - прокуратуранинг экологик қонунчиликни аниқ ва бир хилда бажарилишини, ушбу қонунчиликни таъминлашнинг назоратини амалга оширишни, экологик ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлашини, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича олиб борадиган фаолиятини тушунмоқ лозим.

Табиатни муҳофаза қилувчи ихтисослаштирилган прокуратуралар зиммасига уларга бириктириб қўйилган ҳудудларда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга

ошириш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бундай назорат муайян табиий объектларда, халқ хўжалигининг маълум соҳаларида, саноат ва бошқа хўжалик ҳудудларида ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, прокуратура органлари кўрсатиб ўтилган қонунлар бузилишини ўз вақтида бартараф этиш, уларни аниқлаш ва олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, зарарни қоплатиш ва айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўришлари лозим.

Табиатни муҳофаза қилувчи ихтисослаштирилган прокуратуралар табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчилик ижросини ҳудудий ва транспорт прокурорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари, табиатни муҳофаза қилиш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан мувофиқлаштирган ҳолда назорат қиладилар.

Республика Бош прокурори 1993 йил 11 октябрь куни тасдиқлаган “Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, аҳоли соғлиғига зиён етказувчи, экология талабларига жавоб бермайдиган технология материалларини ҳамда моддаларини ишлатиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни бартараф этиш, Орол денгизини тиклаш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятида қонунчиликка итоат этилишини мунтазам назорат қилиб бориш;

2) табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг бир хилда бажарилишини, бу қонунларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида назорат олиб бориш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

3) минтақада табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузишга қарши курашда қорақалпоғистон Республикаси,

Хоразм вилояти, ҳудудий ва бошқа прокуратуралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

4) Оролбўйи минтақасида ижтимоий иқтисодий, санитария-эпидемиологик ва экологик аҳволни яхшилашга қаратилган муаммоларни ҳал этишга жалб этилган барча корхона, ташкилот, жамоа ва хўжаликлар фаолиятида қонунларга амал қилинишини назорат қилиб бориш, бунда асосий диққат эътибор табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган объектлар қуриш ва шу билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишига қаратилмоғи лозим;

5) атмосфера ҳавоси, ер ва ер ости, ҳайвонот дунёси, заказниклар, кўрикхоналар, ўрмон ва ўсимликлар дунёси, табиий ёдгорликлар тўғрисидаги, корхона, ташкилотларнинг саноат ва хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантириш ёки йўқ қилиш тартибини белгиловчи қонунлар бажарилишининг назорат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги прокурорлик назоратини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

– барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, яъни атроф табиий муҳит муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари – кимга бўйсунishi, қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар – барча юридик шахслар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан экологик қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат;

– прокуратура томонидан қўзғатилган ёки текшириш учун ички ишлар органларига берилган материаллар бўйича ички ишлар органларининг суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга оширишларида экологик қонунчиликка риоя қилиниши устидан амалга ошириладиган назорат;

– прокуратура органлари томонидан кўриб чиқиш учун жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судлар

чиқарган ҳукмлар, қарорлар, ажримлар ва қарорларнинг қонунийлиги ва асослиги устидан амалга ошириладиган назорат.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги прокурор назорати иккита элементдан ташкил топади:

а) экологик қонун ва бошқа ҳуқуқий кўрсатмани қўллашни ҳамда орган (мансабдор шахс)нинг ҳаракатини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан текшириш;

б) назорат жараёнида ёки унинг натижалари бўйича миқдори қонунда белгилаб қўйилган махсус чораларни қўллаш.

Давлат ҳокимияти таркибида бўлмаган институтлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш масаласи ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунда айниқса, адвокатура институтининг ўрни ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Б.Саломов таъкидлаб ўтганидек, “Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг асосий элементларидан бири бўлган адвокатура институти муҳим ва асосий ролни ўйнайди. Давлатнинг ҳимоя функцияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 116-моддасига мувофиқ, адвокатура институти зиммасига юклатилган. Шу сабабли ҳам республикада мустақил кучли адвокатура тизимини барпо этиш, адвокатларнинг ваколатини кенгайтириш борасида кейинги йилларда сезиларли ишлар амалга оширилди”⁵.

Чунончи, суд муҳокамаси чоғида айблов билан ҳимоянинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб, 2008 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу масалани ҳал этиш учун бевосита давлатимиз раҳбари даражасида фармон қабул қилинганлиги, унинг қанчалик даражада долзарб эканлигидан далолат беради. Фармон мазмунига эътибор берилса, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш,

⁵ Саломов Б.С. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. // Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг ўрни ва моҳияти. Илмий-амалий конференция материаллари. А.Холмахматовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. - Б. 21-22.

фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсад қилиб қўйилган, шунингдек унда “жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглигини таъминлаш” масаласи ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида адвокатура институти моҳиятан фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган экологик ҳуқуқларини тиклаш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш билан шуғулланар экан, бу унинг инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатишини англатади. Бир сўз билан айтганда, адвокатура органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг ишончли механизмларидан бири сифатида узоқ йиллардан буён ўз самарасини бериб келмоқда.

Республикамизнинг мустақил ривожланиши мобайнида давлатни бошқариш ва демократик ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги аён бўлди. Зеро, бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий талабидир. Адолатли жамиятда халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи.

Фуқаролик жамияти, албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали қурилади. Бунда давлат ташқи сиёсат, мудофаа, жамият хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни бажарса, бошқа масалалар, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...марказдан жойларга, жамоат ташкилотларига ҳамда аста-секин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилиши лозим”⁶, чунки фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштириш орқали барпо этилади.

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий, иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. – Тошкент, 1995. – Б. 16.

Жамиятимизда тинчлик, осойишталик, халқимизнинг осуда турмуш кечириб, хотиржам меҳнат қилишини таъминлашда маҳалла аҳлининг хизмати катта. Қайси маҳаллада тинчлик бўлса, у обод бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш, яъни бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ва уларни очишдаги ҳамкорлиги, жамоат ташкилотлари билан бўлган ҳамкорлиги каби, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳам тўғри йўлга қўйилиши ижобий самара беради.

Жамиятимиздаги бошқа соҳалар каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳам изчил ислохотлар ўтказилмоқда. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида муҳим ўрин эгалловчи ички ишлар соҳасидаги ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш тарзини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маҳалла ҳудудида ички ишлар идораларининг асосий қуйи тизими ҳисобланган милиция таянч пунктларини ташкил этиш орқали бевосита аҳоли яшайдиган жойларда, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда экологик қонунларнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа шу каби жамоат уюшмалари билан бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев Й. О. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳуқуқий ва бошқарув асосларини ислоҳ қилиш тўғрисида // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 19-22.
2. Зокиров Б. Ғ. Қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат тартибини қўриқлаш ва жиноятчиликка қарши курашда маҳаллаларнинг тутган ўрни // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Тошкент, 2001. – Б. 213.
3. Левченко Г.П. Ответственность за нарушение природоохранительного законодательства. // Проблемы правовой охраны окружающей среды. – Л., 1979. – С. 193.
4. Меркулов В.В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД СССР. – Рязань, 1983. – С. 17.
5. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник для вузов. – М.: БЕК, 1995. – С. 263.
6. Примаченок А.А. Деятельность органов внутренних дел Белоруссии по предупреждению и пресечению преступлений против социалистического порядка природопользования (уголовно-правовые вопросы). – Минск, 1983. – С. 13.
7. Рустамбаев М.Х., Скрипников Н.К. Эколого-правовая ответственность. Учебно-методическое пособие. – Ташкент: ТГЮИ, 2007.
8. Рўзиматов М. Ҳуқуқбузарликка жамоатчилик бефарқ бўлмасин // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Тошкент, 2001. – Б. 193.
9. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис... док. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С.241-242.
10. Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовые задачи и пути повышения эффективности работы правоохранительных органов в области экологии. // Фемида, 2004, №5. – С. 74-79.
11. Ҳақлиев В.Б. Жамоат хавфсизлигини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда қишлоқ оқсоқолининг ички ишлар идоралари билан ҳамкорлиги // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. – Тошкент, 2001. – Б. 37.

12. Экология ҳуқуқи. Дарслик. Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Ҳ., Холмўминов Ж.Т. ва бошқалар. // Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 361.